

# ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ КЎНИКМАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Учқурова Шаҳноза Шавкатовна  
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика  
Университети таянч докторанти  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.8072897>

**Аннотация** Ушбу мақолада хорижий (Инглиз) тилини ўқитишида Олий таълим муассасаси талабаларининг мустақил таълим кўникмаларини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари муҳокама этилган. Шунингдек, олий таълим муассасаси талабаларининг мустақил таълим кўникмаларини ташкил этишга оид тадқиқотчиларнинг ишлари ўрганилган.

**Калит сўзлар:** тил, мустақил таълим кўникмалари, полиглоссия, ўз ўзини тарбиялаш, мустақил фикрлаш, амалий кўникма

Жамиятимизда хорижий тилни билиш, ўрганиш, ўргатиш муҳим аҳамиятга эга ва тил соҳаси муҳим соҳалардан бири ҳисобланади. Тил мулоқот воситасидир. Тил табиий мухит бўлмиш оила, жамиятда, шунингдек уюшган ҳолда амалий эгалланади.

Ҳозирда халқаро муносабатлар авж олган даврдамиз ва таълим олишда, янги инноватсион ғоялар, билимларни тадбиқ этишида, муҳокама этиб, унинг негизини асослашда тилларни билиш, полиглоссия яъни кўп тиллилик катта аҳамият касб этади. Инглиз тилини ўқитишида олий таълим муассасаси талабаларининг билим кўникмаларини ошириш, талабаларнинг чет тилни ўрганишдаги фаоллигини ривожлантиришда мустақил таълим кўникмаларини тӯғри ташкил этиш, замонавий таълим тизимида алоҳида ўрин тутади. Талабалар билимни олий таълим муассасида олибгина қолмай, шахсий мустақил таълим фаолияти жараёнида давомида чуқур билимга эга бўладилар.

Тадқиқот ишлари шуни кўрсатадики, билим оловчи талаба ёки ўқувчи имкон қадар мустақил ишлаши зарур, педагог эса мустақил ишга раҳбарлик қилиши ва унга мавзуу материалини бериши керак.

Комил инсонни тарбиялаб, шакллантиришда уни тизимли равишда мустақил фаолиятга киритиш зарур. Фан доирасидаги ўқув вазифалари мустақил иш жараёнида муаммоли қидирув фаолияти характерини ифодалайди.

Олий таълим муассасаларида барча соҳаларга оид ўқув ва мутахассислик фанлари бўйича яратилган силлабус, шунингдек, таълим муассасалари нинг ўқув режасида, талабаларнинг мустақил таълимига алоҳида ўрин ажратилган.

Олий таълим муассасаси талабаларининг мустақил таълим кўникмаларини ташкил этишга оид билимларни қуидаги тадқиқотчилар муҳокама этиб ўргангандар: Келдиёрова М. Ф. (Мустақил таълимни самарали ташкил қилиш талабалар мустақил фикрлашини ривожлантириш омили сифатида), Ахмедова М.Е. (Модул-кредит тизимида талабаларнинг сифатли таълим олишида мустақил ўқиш методикаси), Носирова Д.Т. (Кредит-модул тизимида талабалар мустақил ишларини ташкил этишнинг асосий шакллари), Д. Закиров (Модул-кредит тизимида талабаларнинг сифатли таълим олишида мустақил ўқиш методикаси), Абдумуминова Д. (Инглиз

тилини ўқитишида талабаларнинг мустақил таълим кўнималарини ривожлантиришнинг назарий асослари).

Мустақил таълим – ўқув материалини мустақил ўзлаштириш, мураккаблик даражаси турлича бўлган топшириқлар, амалий вазифаларни аудитория ҳамда аудиториядан ташқарида ижодий ва мустақил бажариш асосида назарий билим, амалий қўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган тизимли фаолиятдир.

Шунингдек, 2022 йил 30-май Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг 02/35-30/05-49-сон буйруғига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг 2021-йил 13-ноябрда ўтказилган очиқ Ҳайъат йиғилишида белгиланган вазифа ижросини таъминлаш мақсадида Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази ҳамда етакчи олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларидан иборат ишчи гуруҳ томонидан талабалар мустақил таълимини ташкил этиш бўйича йўриқнома ишлаб чиқилган. Йўриқнома “Олий таълим муассасаларида кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича”, ва у 7 қисмдан иборатdir. У ўз ичига қўйидагиларни олади:

1чи бўлим умумий қоидалар, 2чи бўлим талабалар мустақил таълимини ташкил этишнинг мақсад ва вазифалари, 3 чи бўлим талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш жараёнини бошқариш, 4-бўлим мустақил таълимни амалга оширишга доир профессор-ўқитувчи ҳамда талабаларнинг вазифа ва мажбуриятлари, 5-бўлим мустақил таълимни ташкил этиш шакллари ва турлари, 6- бўлим талабалар мустақил ишларини баҳолашнинг умумий мезонлари 7-бўлим яқуний қисм.

Ушбу йўриқномада инглиз тилини ўқитишида олий таълим муассасаси талабаларининг мустақил таълим кўнималарини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида қўйидагилар таҳлил этилди:

- Талабанинг мустақил таълим юкламаси ўқув режасида муайян фанни ўзлаштириш учун белгиланган ўқув ишларининг ажралмас қисми ҳисобланган.
- Талабанинг мустақил таълими аудитория ва аудиториядан ташқарида (ўқув юкламасида ажратилган аудитория соатини инобатга олмаган ҳолда) бевосита ўқитувчи раҳбарлигида мустақил иш ёки талабанинг фан (модуль) бўйича мавзуларни мустақил ўқиб-ўрганиши тарзида амалга оширадиган ўқув ишлари мажмуини англатади.
- Дидактик жараёнларни жадаллаштириш, талабаларнинг мустақил таълим олиш самарадорлигини ошириш мақсадида ўқув даврининг I семестрида тьюторлар, АРМ ходимлари ва фан мастьуллари томонидан мазкур жараённи амалга ошириш тартиби бўйича даврий равишда (шу жумладан, кредит ҳафталиги доирасида) ўқув семинарлари ташкил этилади.
- Мустақил таълим бўйича ўқув фаолияти натижалари баҳоланмаган талаба яқуний назоратларга киритилмайди ёки шартли равишда топшириш муддати белгиланади.
- Мустақил таълим натижаларини баҳолаш фан (модуль)нинг умумий баҳолаш (100 баллик) тизимида акс эттирилади ва фан дастур (Силлабус)нинг баҳолаш мезонларида унга ажратилган балл аниқ кўрсатиб қўйилади.

- Ўқиши кўчирилган ёки тикланган талабалар ўзлаштирилмаган фан (модуль)ларни қайта ўқиш тартибида ўзлаштиради. Истисно тариқасида, фаннинг семестрдаги юкламаси 6 (олти) кредитдан ошмайдиган академик фарқли фан (модуль)лар талабанинг аризасига кўра ва декан розилиги билан 100% мустақил таълим шаклида ўзлаштирилиши мумкин ва бошқалар.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, инглиз тилини ўқитишида олий таълим муассасаси талабаларининг мустақил таълим кўникмаларини ташкил этиш талабаларда ўз-ўзини ривожлантириш, мустақил билим олиш ва инновацион фаолиятни шакллантиришга имкон берувчи компетенцияларни эгаллашни ривожлантиради.

### References:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг 02/35-30/05-49-сон буйруғи. 30.05.2022й.
2. Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.“Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” 824-сон Қарор.31.12.2020й.
3. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”311-сон буйруқ. 16.07.2021й.
4. Муслимов Н.А., Қўйсинов О.А. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этишнинг назарияси ва методикаси. - Тошкент “Фан” 2009 й.
5. Рахимов З.Т. Талабалар креативлигини ошириш мақсадида мустақил таълимни ташкил этиш методикасини такомиллаштириш // Педагогика. Илмий-назарий ва методик журнал.-Тошкент,2021.-№ 3.-15-20 б.

